

**КАР ВА ЗАИФ ЭШИТУВЧИ БОЛАЛАРНИНГ КИТОБХОНЛИК
КОМПЕТЕНЦИЯСИНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА ЎЙИН МЕТОДЛАРИДАН
Фойдаланишнинг ўзига хос ҳусусиятлари**

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7800256>

Азимова Дилноза Шерзодовна

Низомий номидаги ТДПУ тадқиқотчиси

Аннотация: Мақолада китобхонлик компетенцияси методикасига батафсил ёритилиб, эшитишда нуқсони бор болаларда ушбу компетенцияни шакллантиришда “ўйин методи” махсус мактаб кутубхоналарида китобхонликни тарғиб қилишнинг самарали усули сифатида ёритилди. Моҳияти китобхонлик компетенциясини шакллантириш ва ривожлантириш учун ўйин методлари яъни ўйинларнинг турли қизиқарли шаклларидан фойдаланиш китоб билан танишишга ҳамда китобга нисбатан ижобий қарашлар шаклланишида таъсир қилади. Натижада анъанавий мутолаага барқарор эҳтиёжни шакллантиришда туртки бўлади. Махсус мактаб кутубхоналари ва ахборот кутубхона муассасалари ушбу методда турли хил ўйин турларидан фойдаланишлари мумкин: дидактик адабий ўйинлар, турли мутолаа мусобақалари, мураккаблашган комплекс ўйинлар, асар қаҳрамонларини жонлантиришда рол ўйнаш, таълимий, кўнгилочар ўйинлар шулар жумласидандир.

Калит сўзлар : Идрок, методика, ўйин методи, китоб, инновацион фаолият, дидактик ўйин, мутолаа мусобақаси, эшитишда нуқсони бор бола, кутубхона, китоб тақдими, мутолаа аукциони.

Дунёни билиш ва идрок этишда кўриш ва эшитиш энг муҳим жиҳатлардан биридир. Айниқса, эшитишда нуқсони бўлган ва заиф эшитувчи болаларнинг маънавий ўсишида ҳам муаммолар бўлиши, уларни жамиятга мослаштириш учун амалий ёрдам кўрсатишни тақозо этади. Шу нуқтаи назардан эшитишда нуқсони бўлган ўқувчиларнинг китобхонлик компетенциясини шакллантириш ҳамда ривожлантириш муаммо сифатида майдонга чиқди. Ушбу компетенцияларни шакллантиришда турли методикалар яхши натижа беради.

Китобхонлик компетенцияси методикаси бу - ёш авлоднинг китобхонликка бўлган қизиқишларини шакллантириш ва ривожлантириш, ҳамда кутубхонадан самарали фойдалана олиш учун қўлланилувчи турли услубий қўлланмалар мажмуасидир.

Ушбу методикани ишлаб чиқиш нафақат ўқувчиларда китобхонлик компетенциясини ривожига балки, махсус мактаб кутубхоналарининг ҳамда ахборот кутубхона муассасаларининг янги инновацион фаолиятини тарғиб қилиш, ғоялар ва иш шакллари, ўқишни оммалаштиришнинг янги технологиялари, кутубхона ходимларининг ижодий салоҳиятини юзага чиқариши ҳамда ривожланишга ҳисса қўшади.

Мазкур метод махсус мактаб кутубхоналарида китобхонликни тарғиб қилишнинг самарали усулларидан биридир. Моҳияти китобхонлик компетенциясини шакллантириш ва ривожлантириш учун ўйин методлари яъни ўйинларнинг турли қизиқарли шакллари билан фойдаланиш китоб билан танишишга ҳамда китобга нисбатан ижобий қарашлар шаклланишида таъсир қилади. Натижада анъанавий мутолаага барқарор эҳтиёжни шакллантиришда туртки бўлади. Махсус мактаб кутубхоналари ва ахборот кутубхона муассасалари ушбу методда турли хил ўйин турларидан фойдаланишлари мумкин: дидактик адабий ўйинлар, турли мутолаа мусобақалари, мураккаблашган комплекс ўйинлар, асар қаҳрамонларини жонлантиришда рол ўйнаш, таълимий, кўнгилочар ўйинлар шулар жумласидандир. Ўйин методида танлов ва мусобақаларда иштирокчи ўқувчиларда билимдонлик, зукколик, ижро маҳорати каби компетенцияларни шаклланишига ёрдам беради. Кўпгина кутубхоналарда ўйин методида турли мутолаага бағишланган танлов ва викториналар анъанавий тарзда кенг тарқалган. Масалан, турли адабий конференциялар, маданий-маърифий кўнгилочар тадбирлар сценарийлари ичига ўйин усуллари ҳам киритилган бўлса тадбир анча қизиқарли бўлади. Китоб анжуманлари “Китоб тақдироти”, “Адабий ринг”, “Мутолаа аукциони” каби ўйинлар китобхонлик компетенциясини шакллантириш ва ривожлантиришдаги асосий ўйин усуллариандир.

Адабий-ўйин методи дастурида турли танловлар албатта мутахассислар томонидан театрлаштирилган сценарий асосида ташкил этилади. Китобхонлар иштироки жараёнида ижтимоий-маданий фаолиятга доир тасаввурлар кенгайиб боради. Ролли ўйин – бу ўқув ёки кўнгилочар мақсадли ўйин ҳисобланиб, иштирокчилар ўзлари танлаган роллар доирасида ҳаракат қиладиган драматик фаолият тури. Ролли ўйинлар болалар фантазияси, тасаввурларини ривожланишига ёрдам беради.

Сўнги вақтларда кўпгина ахборот кутубхона муассасалари тадбирларида ўйин усуллари билан фойдаланиш бу катта янглик бўлиб вақт ўтган сари ушбу усул анча оммалашиб кетди. Кўпгина байраб сценарийлари, адабий кечаларда ушбу усулдан фойдаланиш урфга кирган. Мазкур методни эшитишда нуқсон бор ўқувчилар билан ташкил этилган тадбирларда қўллаш уларнинг китобхонлик компетенциясини шаклланишида самарали натижа беради.

Китобхонлик компетенцияси шакллантириш ўйин методлари календарь режа намунаси

1. «Ақл ва юрак порлаши» - махсус мактаб ўқувчиларининг ижодий ишлари ўртасида танлов. Китобхонлик компетенциясини шакллантиришнинг ўйин методи асосан ахборот кутубхона марказларида ташкил этилиб, ўқув заллар мавзуга мос тарзда безатилади. Ушбу танловда махсус мактабнинг ихтиёрий ўқувчилари мавзуга оид суратлар чизиб ёки синфлараро деворий газеталар танлови тарзида ҳам ташкил этиш мақсадга мувофиқдир.

2. «Соғлигимиз ўз қўлимизда» махсус мактаб ўқувчилари учун соғлом турмуш тарзини тарғиб қилувчи сахна кўриниши намойиши. Эшитишда нуқсон бор

ўқувчилар сценарий асосида олдиндан тайёргарлик кўриб кутубхона ўқув залида ўзлари сахналаштирган, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилувчи сахна кўринишини намоёниш этадилар. Сахна кўринишларидан сўнг мазкур мавзу бўйича бахс-мунозара давом этади.

3. **“Бобожоним ва бувижоним” адабий кечки мутолаа кўрик танлови.** Бу махсус мактаб ўқувчиларининг дарсдан ташқари оилавий китобхонликни тарғиб қилишда қўлланилувчи моделдир. Яъни эшитишда нуқсон бор ўқувчилар билан биргаликда уларнинг бобоси ёки бувижониси кутубхона китоблари билан танишиши ҳамда мутолаа қилинган китоблар бўйича суҳбат ёки танлов ташкил этилиши назарда тутилади.

4. **«Сен ёлғиз эмассан...» имконияти чекланган болалар учун танлов дастури.** Ушбу дастурда маълум муддатга мутолаа қилиш учун китоб танлаб олинади. Ҳамда синф гуруҳларга тақсимланади. Белгиланган вақт келганда танланган китоб бўйича кутубхона мутахассислари томонидан тайёрланган махсус кроссворд, рингворд, ва махсус тестлар орқали уларнинг билимлари синалади.

5. **«Ихтиёрий телбалик» - нарколог билан суҳбат доирасида сахна кўриниши намоёниши.** Ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказиш мақсадида, кераксиз, зарарли одатлар оқибатларини уларнинг онгига сингдириш ҳамда соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш мақсадида ташкил этилган моделдир. Бунда туман нарколог-шифокор иштирокида махсус мактаб ўқувчилари билан жонли суҳбат бўлиб ўтади. Суҳбат давомида ўқувчиларнинг соғлом турмуш тарзини тарғиб этувчи сахна кўрини намоёниш этилади.

6. **«Ўз келажагингни ўзинг танла» - харита асосида маълумот алмашинувчи ўйин.** Бу ўйин методи ҳам эшитишда нуқсон бор ўқувчилар келажак ҳаётидаги муҳим ҳолатларни акс эттирибгина қолмай, уларни шунга тайёрлашга хизмат қилади. Ўқувчилар келажакда жамиятда эгалламоқчи бўлган позициялари, сиёсий, ҳуқуқий, иқтисодий саводхонлигини ривожлантиради. Уларнинг келажак ҳақидаги режаларини амалга ошириш йўл –йўриқлари, кутилаётган тўсиқларни енгиб ўтиш йўллари ҳақида ташкил этилади.

7. **«Ўқинг ва руҳни завқлантиринг» - кун адабиёти бўйича кўрик танлов.** Махсус мактаб кутубхоначиси томонидан олдиндан белгиланган мутолаа учун китоб тавсия этилади. Бу ҳақда кутубхонага эълон тарзда ёзиб қўйилади ва муддат қўйилади. Белгиланган муддамда махсус мактаб кутубхоначиси синфларга ўзи ташриф буюриб, берилган китоб юзасидан танлов ташкил этади. Ҳолиб ўқувчиларга эсадалик совғалари топширилади.

8. **“Асар қаҳрамонларини жонлантирамиз” сахна кўриниши.** Бу ўйин методи бевосита ахборот кутубхона маркази ўқув залида кутубхоначи ва сурдопедагог томонидан ташкиллаштирилади. У ёки бу асарнинг қаҳрамонлари кутубхоначилар томонидан сахналаштирилади, иштирокчи ўқувчилар қайси арсардан эканлигини топишлари керак.

9. **“Севимли қаҳрамоним” пантомима викторина.** Махсус мактаб ўқувчилари гуруҳларга бўлинган ҳолда ихтиёрий китобга пантомима тайёрлайдилар. Пантомима қайси китобдан парча эканлигини гуруҳлар топиши керак. Ғолиб гуруҳларга кутубхона томонидан эсдалик совғалари топширилади.

10. **«Ўзингизни ва дунёни қутқариш учун» - экология қуни муносабати билан чиқиндилар йиғиш танлови.** Атроф муҳит, табиатга нисбатан меҳр уйғотиш, ўқувчиларнинг экологик тарбиясини шакллантириш мақсадида ташкил этилади. Бунда махсус мактаб ўқувчилари ўзларининг мактаб ҳудуди ёки кутубхона яқинидаги ҳудуд бўйлаб турли ҳилдаги чиқиндиларни йиғиб, уларни саралайдилар ҳамда керакли жойга топширадилар. Бу тадбирда кутубхоначи ёки сурдопедагог назоратида ташкил этилиши керак.

11. **“Ўсмирликнинг мураккаб даври” китобхонлар клубида ёмон одатлар устида ишлашга аталган танлов.** Ахборот кутубхона муассасаларида ташкил этилган китобхонлик клубларида махсус мактаб ўқувчилари билан ҳамкорликда алоҳида суҳбат ташкил этилади. Кимнинг қандай салбий одатлари борлиги ҳамда уни бартараф этиш йўл-йўриқлари тавсия этилади. Бунда ўқувчилар ўзлари ихтиёрий ҳолатда ўзлари учун салбий деб ҳисоблаган одатларини баён этишлари керак.

12. **«Соғлом танада - соғлом руҳ» мавзусига оид адабиёт тавсиялари рўйхати ййини.** Кутубхона фондидан мавзуга оид китоблар танлаб олинади. Танланган, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилувчи қайси китоб, газета ёки журнал кўпроқ маълумотларга эгаллиги, ҳамда ижтимоий ҳаётда тадбиқ этилувчи тавсияларга бойлиги ҳақида маълумот алмашиналиди. Ушбу китоб, газета, журнал ҳақида маълумотларни кутубхоначи сурдотаржимон ёрдамида намойиш этади.

13. **“Касб танлаш сари йўл” пантомима кўрик танлови.** Махсус мактаб кутубхоналари залида бўлиб ўтади. Бунда битирувчи ўқувчилар иштирокида синфлараро касбий маҳоратларни намоеён этувчи пантомималар намойиш этадилар. Қайси касбга оид пантомима ўқувчилар томонидан юқори баҳоланса шу касбга оид китоблар билан кутубхона фонди тўлдирилади.

14. **«Мен ва менинг ҳуқуқим» саҳна кўриниш орқали махсус мактаб ўқувчилари ўзларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари намойиши.** Махсус мактабнинг юқори синф ўқувчилари ўртасида ташкил этишга тавсия этилади. Бунда ҳуқуқшунос мутахассис ва сурдопедагог ёрдамида ҳаётда учрайдиган қўтилмаган ҳолатлар, вазиятларда қандай чиқиш йўллари, қонуний ҳуқуқ ва мажбуриятлари аниқ ўргатилинади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Мамаражабова З.Н. Адабий таълим жараёнида заиф эшитувчи ўқувчилар нутқини ривожлантириш.

2. Каримова Х.К. Тошкент шаҳар “Bilim” АКМ директори
<https://uza.uz/uz/posts/kitob-insoniyatning-alb-gav-ari-tafakkur-khazinasidur-04-04-2020>

3. Китобхонлик ва мутолаа маданиятини ошириш: ижодий, инновацион фаолият ва кадрлар салоҳияти давр талабидир. Каримова Ҳ. Central Asia – 2022. Респ. конференция.

4. Библиотека – территория безграничных возможностей [Текст] : методические рекомендации / Сост. М.В. Гребенюк; под ред. Х.К. Каримовой, В.К. Муратовой. – Ташкент, 2021. – 16 с.

5. Мирқосимова М.М. Ўқувчиларда адабий таҳлил малакасини шакллантириш ва такомиллаштириш усуллари: Дис. ... филол. фан. док. – Т., 1995.

6. Никитина М.И. Психолого-педагогические основы совершенствования литературного образования слабослышащих школьников: Дис. ... док. пед. наук. – Л.: ЛГПИ им. А.И. Герцена, 1983. – 333